

Қиз боққан жаннатий бўладими?

15:46 / 24.05.2016 3668

Муҳтарам Ҳазрат! Аёлим билан уч қизни тарбияламоқдамиз. Яратган Эгам уларни солиҳалардан қилсин, омин! Аёлим ва мен шу фарзандларга шукрона келтириш билан бирга Аллоҳга дуолар қилиб ўғил фарзанд ҳам тиламоқдамиз. Яратган Эгамдан бизнинг ҳаққимизга дуо қилишингизни сўраймиз, илтимос!

ЖАВОБ: Аввало сиз билан келинимизга совға тариқасида бир ҳадиси шарифни шарҳи билан тақдим этишга ижозат бергайсиз.

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимнинг учта қизи бўлса, уларга одоб берса, меҳрли бўлса ва кафолатини олган бўлса, албатта, унга жаннат вожиб бўлади», дедилар. «Ё Аллоҳнинг Расули! Агар иккита бўлса ҳамми?» дейишди. «Иккита бўлса ҳам», дедилар. Қавмдан баъзиси «Битта» дейилганда, «Битта бўлса ҳам» дердилар», деб билди». Аслида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Битта бўлса ҳам вожиб бўлади» деб жавоб берганлари ҳақидаги ривоятлар ҳам бор.

Биттами, иккитами ёки учтами, ундан кўпми – қиз болани тарбиялаб вояга етказиш билан бандага жаннатга кириш вожиб бўлиб қолиши жуда улғу гап. Бу қиз бола тарбиясига динимиз қанчалар катта эътибор берганини яна бир бор таъкидлайди. Албатта, қиз болани боқиб-тарбиялаш жуда нозик ва машаққатли меҳнат эканини ҳамма яхши билади. Аммо бу меҳнатнинг савоби ва мукофоти ҳам ўзига яраша юқори даражада эканини ушбу ҳадиси шарифдан билиб оламиз. Ушбу ҳадисда сонидан қатъи назар қиз болаларга одоб берган, меҳрли бўлган ва кафолатига олган кишига жаннат вожиб бўлиши баён этилган (Аллоҳ билувчидир).